

**ЖАҲОН ИҚТИСОДИЁТИ ВА ДИПЛОМАТИЯ УНИВЕРСИТЕТИ**  
**ҲУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ**  
**DSc.11/30.12.2019.Tar/Yu/I/S/24.01 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ**  
**ЖАҲОН ИҚТИСОДИЁТИ ВА ДИПЛОМАТИЯ УНИВЕРСИТЕТИ**

---

**ТУРСУНОВА РАНОХОН ЮСУБЖАНОВНА**

**МАРКАЗИЙ ОСИЁ ДАВЛАТЛАРИНИНГ ТАШҚИ СИЁСИЙ**  
**ИДЕНТИФИКАЦИЯСИДА ЎЗЛИКНИ АНГЛАШ ВА**  
**МАЪНАВИЙ-ТАРИХИЙ МЕРОС ОМИЛЛАРИ**

**07.00.05 – Халқаро муносабатлар ва ташқи сиёсат тарихи**

**ТАРИХ ФАНЛАРИ ДОКТОРИ (DSc) ДИССЕРТАЦИЯСИ**  
**АВТОРЕФЕРАТИ**

**Тошкент – 2020**

**Докторлик (DSc) диссертацияси авторефератининг мундарижаси**

**Оглавление автореферата докторской (DSc) диссертации**

**Contents of the abstract of doctoral (DSc) dissertation**

**Турсунова Ранохон Юсубжановна**

Марказий Осиё давлатларининг ташқи сиёсий идентификациясида ўзликни  
англаш ва маънавий-тарихий мерос омиллари.....3

**Турсунова Ранохон Юсубжановна**

Национальное самосознание и духовно-историческое наследие в становлении  
внешнеполитической идентификации государств Центральной Азии.....25

**Tursunova Ranokhon Yusubzhanovna**

National self-consciousness, spiritual and historical heritage in the formation of  
foreign policy identification of the Central Asian states.....47

**Эълон қилинган илмий ишлар рўйхати**

Список опубликованных работ

List of published works.....51

**ЖАҲОН ИҚТИСОДИЁТИ ВА ДИПЛОМАТИЯ УНИВЕРСИТЕТИ**  
**ҲУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ**  
**DSc.11/30.12.2019.Tar/Yu/I/S/24.01 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ**  
**ЖАҲОН ИҚТИСОДИЁТИ ВА ДИПЛОМАТИЯ УНИВЕРСИТЕТИ**

---

**ТУРСУНОВА РАНОХОН ЮСУБЖАНОВНА**

**МАРКАЗИЙ ОСИЁ ДАВЛАТЛАРИНИНГ ТАШҚИ СИЁСИЙ**  
**ИДЕНТИФИКАЦИЯСИДА ЎЗЛИКНИ АНГЛАШ ВА**  
**МАЪНАВИЙ-ТАРИХИЙ МЕРОС ОМИЛЛАРИ**

**07.00.05 – Халқаро муносабатлар ва ташқи сиёсат тарихи**

**ТАРИХ ФАНЛАРИ ДОКТОРИ (DSc) ДИССЕРТАЦИЯСИ**  
**АВТОРЕФЕРАТИ**

**Тошкент – 2020**

**Фан доктори (DSc) диссертацияси мавзуси Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси хузуридаги Олий аттестация комиссиясида B2017.2.DSc/Tar58 рақам билан рўйхатга олинган.**

Диссертация иши Жаҳон иқтисодиёти ва дипломатия университетида бажарилган.


Диссертация автореферати уч тилда (ўзбек, рус, инглиз (резюме)) Илмий кенгаш веб-саҳифасига ([www.uwed.uz](http://www.uwed.uz)) ва "ZiyoNET" ахборот-таълим порталига ([www.zionet.uz](http://www.zionet.uz)) жойлаштирилган.

<b>Илмий маслаҳатчи:</b>	<b>Рахимов Мирзохид Акрамович</b> тарих фанлари доктори, профессор
<b>Расмий оппонентлар:</b>	<b>Кобзева Ольга Петровна</b> тарих фанлари доктори <b>Нуриддинов Эркин Зухриддинович</b> тарих фанлари доктори, профессор <b>Бабаходжаева Лола Маратовна</b> тарих фанлари доктори
<b>Етакчи ташкилот</b>	<b>Тошкент давлат шарқшунослик университети</b>

Диссертация ҳимояси Ўзбекистон Республикаси ТИВ Жаҳон иқтисодиёти ва дипломатия университети хузуридаги DSc.11/30.12.2019. Tar/Yu/I/S/24.01 рақамли Илмий кенгашнинг 2020 йил 24 июль соат 12.00 даги мажлисида бўлиб ўтади (Манзил: 100077, Тошкент шаҳри, Мустақиллик шоҳ кўчаси, 54. Тел.: (+99871) 267-67-69. Факс: (+99871) 267-09-00, e-mail: [rectorat@uwed.uz](mailto:rectorat@uwed.uz)).

Диссертация билан Жаҳон иқтисодиёти ва дипломатия университетининг Ахборот-ресурс марказида танишиш мумкин ( \_\_\_ рақам билан рўйхатга олинган). (Манзил: 100077, Тошкент шаҳри, Мустақиллик шоҳ кўчаси, 54. Тел.: (+99871) 267-67-69. Факс: (+99871) 267-09-00)

Диссертация автореферати 2020 йил " \_\_\_ " \_\_\_\_\_ кuni тарқатилди.  
(2020 йил " \_\_\_ " \_\_\_\_\_ даги \_\_\_ рақамли реестр баённомаси).

  
**И.А. Хамедов**  
Илмий даражалар берувчи Илмий кенгаш раиси, т.ф.д., профессор.  
**Д.Ш. Умарханова**  
Илмий даражалар берувчи Илмий кенгаш котиби, ю.ф.д.  
**А.Х. Ходжаев**  
Илмий даражалар берувчи Илмий кенгаш қошидаги илмий семинар раиси, т.ф.д., профессор.

## КИРИШ (докторлик (DSc) диссертацияси аннотацияси)

**Диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурати.** Ҳозирги даврда дунёда содир бўлаётган сиёсий, иқтисодий, ижтимоий ва маънавий трансформация ходисалари натижасида маданиятларнинг таъсир доираси тобора кенгайиб бормоқда. Глобаллашув жараёни минтакалар ва мамлакатларда содир бўлаётган жараёнларга ижобий ва салбий жиҳатдан таъсир кўрсатмоқда. Ички ва ташқи салбий таъсирларнинг олдини олиш – миллатлараро тотувлик, динлараро бағрикенглик, ўзаро манфаатли яхши кўшничилик тамойилларига асосланган икки ва кўптомонлама муносабатларни тизимли равишда олиб бориш ҳамда ривожлантиришни талаб қилмоқда.

Марказий Осиё халқларини жаҳон цивилизацияси ривожига сезиларли таъсир кўрсатган умумий тарих ва маданият бирлаштириб туради. Минтақа мамлакатларининг халқаро муносабатлардаги ўрни кенгайиб бориши билан бирга, улар учун хавфсизлик ва барқарорликка таҳдидлар ҳам кучайиб бормоқда. Бу эса, ўз навбатида, Марказий Осиё мамлакатларидаги мавжуд минтақавий муаммо ва таҳдидларни комплекс тадқиқ этишни талаб қилади.

Ўзбекистон мустақиллик йилларида халқаро ҳамжамиятда муносиб ўринни эгаллади ва мамлакатда кенг миқёсда тарихий-маданий меросни ўрганиш ишлари амалга оширилди. 2017-2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантиришнинг Ҳаракатлар стратегиясида ўзаро манфаатли ва конструктив ташқи сиёсат, Марказий Осиё минтақасида хавфсизлик, барқарорлик ва яхши кўшничилик масалаларига алоҳида аҳамият қаратилган. Стратегияда Марказий Осиё минтақаси Ўзбекистон ташқи сиёсатининг устувор йўналиши сифатида белгиланди. «Ўзбекистон Марказий Осиё халқларини бирлаштириб турадиган умумий кадрият ва анъаналарни асраб-авайлаш, кенг тарғиб қилиш бўйича кўшма дастурларни амалга оширишдан манфаатдор»<sup>1</sup>. Демак, Марказий Осиё давлатлари ташқи сиёсатининг асосий йўналишлари ва унга таъсир кўрсатувчи маданий мерос омилларини фанлараро ёндашув асосида тадқиқ қилиш зарурияти юзага келмоқда. Бу, ўз навбатида, Марказий Осиё давлатлари ташқи сиёсатида миллий ўзликни англаш ва маънавий-тарихий меросни ўрганишга бағишланган мазкур тадқиқотнинг долзарблигини белгилайди.

Тадқиқот Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги «Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида»ги №ПФ-4947-сон, 2017 йил 19 майдаги «Миллатлараро муносабатлар ва хорижий мамлакатлар билан дўстлик алоқаларини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги №ПФ-5046-сон Фармонлари, БМТнинг «Марказий Осиё минтақасида тинчлик, барқарорлик ва изчил таракқиётни таъминлаш бўйича минтақавий ва халқаро ҳамкорликни

---

<sup>1</sup> Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг Марказий Осиё давлатлари раҳбарларининг Маслаҳат учрашуви яқунлари бўйича брифингдаги баёоти // <https://prezident.uz/uz/lists/view/3111> (15.12.2019).

мустаҳкамлаш» резолюцияси (2018 й.) ҳамда бошқа норматив-ҳуқуқий ҳужжатларда белгиланган вазифаларни амалга оширишда муайян даражада хизмат қилади.

**Тадқиқотнинг республика фан ва технологияларни ривожлантиришнинг асосий устувор йўналишларига мослиги.** Диссертация республика фан ва технологияларни ривожлантиришнинг I. «Демократик ва ҳуқуқий жамият, маънавий-маърифий, маданий ривожланиш, инновацион иқтисодиётнинг шаклланиши» дастури устувор йўналиши доирасида бажарилган.

### **Диссертация мавзуси бўйича хорижий илмий тадқиқотлар шарҳи<sup>2</sup>.**

Халқаро муносабатлар тизимида Марказий Осиё минтақасини ўрганиш масалаларига доир тадқиқотлар жаҳоннинг турли мамлакатларидаги илмий муассасаларда, жумладан, The Institute of Central Asia and Caucasus, Central Asia Program at George Washington University (АҚШ); French Institute of International Relations, French Institute for Central Asian Studies (Франция); International Relations and security studies (Германия); China Institutes of Contemporary International Relations, Institute of Central Asia (Хитой); Москва давлат халқаро муносабатлар институти, Халқаро тадқиқотлар институти ҳузуридаги Марказий Осиё ва Афғонистон муаммоларини ўрганиш институти, Россия Фанлар академияси Шарқшунослик институти (Россия); Қозоғистон стратегик тадқиқотлар институти, Қозоғистон менеджмент, иқтисодиёт ва прогнозлаштириш университети қошидаги Марказий Осиёни ўрганиш Маркази (Қозоғистон); Стратегик тадқиқотлар Миллий институти (Қирғизистон); Стратегик тадқиқотлар маркази (Тожикистон).

Марказий Осиё давлатларининг ички ва ташқи сиёсий муносабатлари юзасидан олиб борилган илмий тадқиқотлар самараси сифатида бир қатор, жумладан, куйидаги илмий натижалар олинган: Марказий Осиё мамлакатларида сиёсий трансформация, кўптомонлама ҳамкорлик, “Бир макон, бир йўл”, Шанхай ҳамкорлик ташкилоти, Европа Иттифоқининг Марказий Осиёдаги стратегияси каби минтақавий ҳамда глобал интеграцион жараёнлар ўрганилган (The Institute of Central Asia and Caucasus; Central Asia Program at George Washington University), Марказий Осиё тарихидаги маданий омиллар, интеллектуал элита ва унинг ижтимоий-сиёсий жараёнларга таъсири асосланган (French Institute of International Relations, French Institute for Central Asian Studies), Марказий Осиё давлатларининг ташқи сиёсий идентификациясида АҚШ, Россия, Хитой каби халқаро акторларнинг роли асосланган (China Institutes of Contemporary International Relations, Institute of Central Asia), Марказий Осиё халқларининг маданий мероси ва этник тарихи, минтақада интеллектуал мероснинг ривожланиши таҳлил қилинган (Россия Фанлар академияси Шарқшунослик ҳамда Этнология ва антропология институтлари), Марказий Осиёдаги ўзаро муносабатларнинг тарихий асослари, унда Буюк Ипак йўлининг аҳамияти,

---

<sup>2</sup> Диссертация мавзусига доир хорижий илмий тадқиқотлар шарҳи куйидагилар асосида тайёрланди: <https://www.silkroadstudies.org>, <https://centralasiaprogram.org>, <http://www.sciencespo.fr/cei/en>, <https://ifeac.hypoteses.org>, <https://www.swp-berlin.org/en>, <http://www.ciis.org.cn/english>, <http://casseng.cssn.cn/>, <https://mgimo.ru>, <https://riss.ru>, <https://www.ivran.ru>, <http://kisi.kz/en>

замонавий минтақавий ҳамкорлик, хусусан, Марказий Осиё ҳамкорлик ташкилоти, Евроосиё иқтисодий иттифоқи, Мустақил давлатлар ҳамдўстлиги каби тузилмаларнинг фаолияти ва мавжуд муаммолари, минтақадаги республикаларнинг ташқи сиёсатида маданий-тарихий мероснинг ўрни ёритилган (Қозоғистон менеджмент, иқтисодиёт ва прогнозлаштириш университети қошидаги Марказий Осиёни ўрганиш маркази, Қирғизистон Стратегик тадқиқотлар Миллий институти; Тожикистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Стратегик тадқиқотлар маркази).

Бугунги кунда Марказий Осиё мамлакатларида ташқи сиёсий омиллар, миллий идентлик, ўзликни англаш муаммолари ва маънавий-тарихий меросни ўрганиш масалаларида, жумладан, қуйидаги йўналишларда қатор тадқиқотлар олиб борилмоқда: Марказий Осиё республикаларининг ташқи сиёсати ва унинг устувор йўналишлари, икки ва кўптомонлама муносабатларнинг асосий омиллари, минтақавий алоқаларнинг ютуқ ва муаммолари, ташқи сиёсатга таъсир кўрсатувчи тарихий ва маданий мерос факторлари каби.

**Муаммонинг ўрганилганлик даражаси.** Тадқиқот мавзусига доир кенг кўламли ишларни таҳлил этиб, уларни қуйидаги гуруҳларга ажратиш мақсадга мувофиқ.

*Биринчи гуруҳ* ўзбекистонлик тадқиқотчи ва экспертларнинг нашрларидан иборат. Хусусан, минтақа халқларининг маънавий тараққиёти муаммолари, Ўзбекистон Республикасининг ривожланиш тенденциялари таҳлили ва прогнозлаштириш масалалари бир қатор маҳаллий тадқиқотчиларнинг илмий ишларида ёритиб берилган. Ш.Абдуллаев, Р.Абдуллаев, А.Алимов, Р.Алимов, Ш.Арифханов, О.Ата-Мирзаев, В.Гентшке, Р.Муртазаева, Н.Зиямов, Д.Маҳкамova, С.Жўраев, Н.Касимова, А.Қирғизбоев, Э.Нуриддинов, М.Рахимов, М.Раҳмонқулов, Н.Содиқов, А.Саидов, Э.Султонова, С.Сафоев, Р.Фармонов, Қ.Жўраевлар шулар жумласидандир. Шунингдек, миллий идентификациянинг шаклланиши, миллий муносабатларни бошқаришни такомиллаштириш, бағрикенглик ва ижтимоий шерикчилик муносабатларида миллий кадриятларнинг аҳамияти масалалари А.Очилдиев, Н.Бердалиев, Н.Жўраев, Қ.Назаров, Н.Назаров, Р.Назаров, А.Маврулов, Б.Хўжанов, А.Эркаевларнинг ишларида ўз аксини топди.

Марказий Осиё билан боғлиқ муаммолар юзасидан Э.Абдухамитова, Д.Азимова, С. Ақобиров, Р. Асадова, С.Атажанова, Л.Бабаходжаева, Х.Ғуломов, А.Татибаев, П.Қулматов, А.Маврулов, Ш.Мухамедов, Г.Наджимов, Р.Назаров, Э.Нуриддинов, М.Рахимов, Г.Табак, А.Ходжаев, С.Шарапова ва бошқалар махсус тадқиқотларни олиб бордилар. Хусусан, Марказий Осиё минтақаси мамлакатлари фаолиятининг халқаро жиҳатлари Р.Алимов асарларида кенг ёритиб берилган. Ўзбекистоннинг хорижий мамлакатлар билан халқаро гуманитар муносабатлари Л.Бабаходжаеванинг илмий ишларида тадқиқ этилган.

*Иккинчи гуруҳ* ўз ичига Марказий Осиё мамлакатлари мутахассисларининг тадқиқотларини қамраб олади. Жумладан, А.Арыстанбеков, Б.Аяган, Г.Бакиев, Р.Бурнашев, А.Джоробеков, Ж.Ибрашев, К.Байзаков, У.Касенов, С.Кушқумбаев каби минтақа тадқиқотчиларининг ишларини таъкидлаш лозим.

Масалан, Ж.Жоробековнинг ишлари замонавий Қирғизистондаги этнослараро муносабатларга бағишланган бўлиб, унинг фикрига кўра, этнобағрикенглик жамиятни бирлаштиришнинг муҳим омили ҳисобланади. Ўз навбатида, К.Енсеновнинг илмий иши бағрикенглик ва миллатлараро ҳамжиҳатлик масалаларини Қозоғистон халқлари Ассамблеяси фаолияти мисолида таҳлил этади.

Бундан ташқари, Марказий Осиё мамлакатлари тадқиқотчилари ва хорижий олимлар иштирокида минтақа тарихи ва ҳозирги даврнинг турли жиҳатларини қамраб олган бир қатор жамоавий асарлар чоп этилган.

*Учинчи гуруҳ* мавзуга дахлдор хорижий тадқиқотларни ташкил этади. Тараққиётнинг янги босқичида Марказий Осиё минтақасидаги ислохотлар жараёнини тадқиқ этишга бир қатор олимлар қизиқиш билдиришмоқда. А.Богатуров, А.Казанцев, И.Пономарёва, Е.Сафронова, О.Тихонов, С.Юн ва бошқалар шулар жумласидандир. Уларнинг илмий тадқиқотларида кўплаб муаммолар, шу жумладан, минтақада хавфсизлик ва барқарорлик, интеграциялашув жараёнлари, геосиёсат, стратегия ва бошқа масалалар ёритилган. Бу борада, А.Назарчук, Г.Мирский, В.Толстой, Л.Тернова ва бошқаларнинг илмий ишларини алоҳида таъкидлаш жоиз, мазкур ишларда мавзу цивилизациялар тўқнашуви ва янги глобал архитектура нуқтаи назаридан кўриб чиқилган.

Бир қатор олимларнинг фикрига кўра, Марказий Осиё дунёнинг истиқболли геостратегик минтақаларидан бири ҳисобланади. Ушбу нуқтаи назардан П.Гобл, Л.Адамс, Д.Абрамсон, Р.Алисон, Л.Асечи, А.Бор, К.Коллинос, А.Кулей, В.Кордиер, С.Дугонион, С.Хорак, М.Касер, М.Сантош, М.Лаурель, С.Пейруз, Ж.Линн ва О.Пидуфала, Э.Марат, Н.Мегоран, Ж.Милвард, М.Олкотт, Г.Паркер, Ф.Старр, С.Корнел ва бошқалар<sup>3</sup>нинг илмий ишлари аҳамиятлидир. Уларда халқаро ҳамкорликнинг кўплаб жиҳатлари глобал ва минтақавий даражада ёритилган ҳамда халқаро муносабатларнинг мазмун-моҳияти замонавий тарихий-сиёсий ва иқтисодий воқеликлардан келиб чиққан ҳолда мушоҳада этилган.

Шундай қилиб, кенг турдаги манбалар кўлами танланган мавзуни ёритишга холис ёндашиш ҳамда маданий ва тарихий алоқаларни тадқиқ этиш имконини беради. Шунингдек, Марказий Осиёдаги замонавий жараёнлар ва минтақа мамлакатларининг халқаро муносабатлардаги идентификация ҳамда маънавий-тарихий мерос омилини илмий асосда чуқурроқ ўрганиш ва таҳлил қилиш заруратини кўрсатмоқда. Бироқ, Марказий Осиё минтақаси мамлакатлари сиёсий континуумини ёритиб берувчи тадқиқотларнинг аҳамиятини камситмаган ҳолда, мазкур диссертацияда минтақа мамлакатларида миллий ўзликни англаш ҳамда тарихий-маданий мерос омиллари ва уларнинг ташқи сиёсатдаги ролини яхлит илмий муаммо сифатида тадқиқ этиш мавзунинг долзарблиги, илмий ва амалий аҳамиятини белгилаб беради.

**Тадқиқотнинг диссертация бажарилган олий таълим муассасаси илмий тадқиқот ишлари режалари билан боғлиқлиги.** Диссертация иши Жаҳон иқтисодиёти ва дипломатия университетининг илмий тадқиқот ишлари

---

<sup>3</sup> Батафсил маълумот ва таҳлиллар диссертациянинг муаммонинг ўрганилганлик даражасида берилган.



режасига мувофиқ «Замонавий халқаро муносабатлар ва минтақавий хавфсизликни таъминлаш муаммолари» лойиҳаси доирасида бажарилган.

**Тадқиқотнинг мақсади** Марказий Осиё давлатлари ташқи сиёсий идентификациясида миллий ўзликни англаш ва тарихий-маданий мероснинг ўрнини комплекс тадқиқ этишдан иборат.

**Тадқиқотнинг вазифалари:**

Марказий Осиё мамлакатлари тарихий-маданий меросининг назарий-методологик жиҳатларини ўрганиш;

Марказий Осиёда истиқомат қилувчи халқларнинг миллий ўзликни англаш, маънавий тикланиш ва ривожланиш концепцияларини таҳлил қилиш;

замонавий жамиятдаги идентификация шароитида Марказий Осиё давлатларидаги этномаданий жараёнларни таҳлил этиш;

мустақил ривожланиш даврида ижтимоий-сиёсий ва ижтимоий-маънавий ўзгаришлар жараёнида Марказий Осиё мамлакатларининг ички сиёсати векторини кўриб чиқиш;

минтақа фуқароларининг ҳаётини интилишларини шакллантирувчи ахборот коммуникацияларининг таъсири ва шаклларини ўрганиш;

халқаро туризм ривожида Марказий Осиё тарихий-маданий меросининг ролинини очиқ бериш;

Марказий Осиёда истиқомат қилувчи халқларнинг этномаданий ўзига хослигини таҳлил этиш;

илмий асосланган хулосалар чиқариш ва Марказий Осиё давлатларининг ўзликни англаш, ташқи сиёсий идентификацияси шаклланишида маънавий омилни кучайтиришга қаратилган тавсиялар бериш.

**Тадқиқотнинг объекти.** Марказий Осиё давлатларининг замонавий тарихи ва халқаро муносабатлари тадқиқот объектини ташкил этади.

**Тадқиқотнинг предмети.** Марказий Осиё давлатларининг ташқи сиёсий идентификациясини шакллантиришда ўзликни англаш ва маънавий-тарихий мероси омили тадқиқотнинг предметини ташкил этади.

**Тадқиқотнинг усуллари.** Тадқиқот жараёнида тарихий, қиёсий ва тизимли таҳлил, аксиологик ва феноменологик ҳамда моделлаштириш каби фанларро ёндашув усулларидадан фойдаланилди.

**Тадқиқотнинг илмий янгилиги** куйидагилардан иборат:

Марказий Осиё республикаларида ижтимоий барқарорликни таъминлашда таълим тизими ва фуқаролик жамияти институтларининг аҳамияти ҳамда минтақа давлатлари ташқи сиёсий идентификацияга тарихий-маданий мерос (археология, архитектура, санъат) таъсир этувчи фактор сифатида очиқ берилган;

Ўзбекистон, Қозоғистон, Қирғизистон, Тожикистон ва Туркманистон республикалари ташқи сиёсат концепцияларида Марказий Осиё минтақаси устувор йўналиш эканлиги ҳамда минтақа халқларига хос умумий жиҳатлар (кўпмиллатлилик, симбиотик тарих ва маданият) мавжудлиги қиёсий таҳлил асосида далилланган;

Марказий Осиё мамлакатларида ёшлар сиёсатининг амалга оширилишда ҳуқуқий ва институционал механизмлар, ёшларда тарихий билим ва

миллатлараро тотувликни мустаҳкамлаш ҳамда бу борада оммавий ахборот воситалари муҳим таъсир этувчи куч сифатида кўрсатиб берилган;

Ўзбекистон ташаббуси билан “Марказий Осиё: ягона ўтмиш, умумий келажак, барқарор тараққиёт ва фаровонлик йўлидаги ҳамкорлик” шиоридаги умумий қарашларнинг шаклланганлиги ва шу асосида минтақада ўзаро алоқаларни барча соҳаларда кенгайтиришга қаратилган янги ижтимоий-маданий муҳит вужудга келганлиги далилланган;

Минтақада тарихий, археологик, зиёрат туризми индустрияси шакллари ривожлантиришнинг ҳолати ва истиқболли йўналишлари, шунингдек, туризм тараққиёти учун биргаликда амалга оширилиши мақсадга мувофиқ бўлган амалий тадбирлар (транспорт коммуникациялари, хавфсиз туризм, ягона виза тартибларини жорий этиш) асослаб берилган.

**Тадқиқотнинг амалий натижалари** қуйидагилардан иборат:

тадқиқот доирасида ёшларни маънавий жиҳатдан тарбиялаш юзасидан таклиф этилган концепция тМарказий Осиё республикаларида ижтимоий барқарорликни таъминлашда таълим тизими ва фуқаролик жамияти институтларининг аҳамияти ҳамда минтақа давлатлари ташқи сиёсий идентификацияга тарихий-маданий мерос (археология, архитектура, санъат) таъсир этувчи фактор сифатида очиб берилган;

Ўзбекистон, Қозоғистон, Қирғизистон, Тожикистон ва Туркменистон республикалари ташқи сиёсат концепцияларида Марказий Осиё минтақаси устувор йўналиш эканлиги ҳамда минтақа халқларига хос умумий жиҳатлар (кўпмиллатлилик, симбиотик тарих ва маданият) мавжудлиги қиёсий таҳлил асосида далилланган;

Марказий Осиё мамлакатларида ёшлар сиёсатининг амалга оширилишда ҳуқуқий ва институционал механизмлар, ёшларда тарихий билим ва миллатлараро тотувликни мустаҳкамлаш ҳамда бу борада оммавий ахборот воситалари муҳим таъсир этувчи куч сифатида кўрсатиб берилган;

Ўзбекистон ташаббуси билан “Марказий Осиё: ягона ўтмиш, умумий келажак, барқарор тараққиёт ва фаровонлик йўлидаги ҳамкорлик” шиоридаги умумий қарашларнинг шаклланганлиги ва шу асосида минтақада ўзаро алоқаларни барча соҳаларда кенгайтиришга қаратилган янги ижтимоий-маданий муҳит вужудга келганлиги далилланган;

Минтақада тарихий, археологик, зиёрат туризми индустрияси шакллари ривожлантиришнинг ҳолати ва истиқболли йўналишлари, шунингдек, туризм тараққиёти учун биргаликда амалга оширилиши мақсадга мувофиқ бўлган амалий тадбирлар (транспорт коммуникациялари, хавфсиз туризм, ягона виза тартибларини жорий этиш) асослаб берилган.

аълим тизимини ривожлантиришнинг яқин ва узоқ муддатли прогнозларини ишлаб чиқиш, бу борада, минтақа мамлакатларининг ўзига хос хусусиятлари ва мавжуд муаммолари илк бор тарихий контекстда асослаб берилган;

жамият ҳаётини келгусида янада либераллаштириш вазибалари ҳал этилгани ҳолда, маънавий тикланиш, миллий ўзлиқни англаш ва тарихий меросга

доир масалаларнинг ўзаро алоқадорлиги юзасидан назарий ва амалий хулосалар чиқарилган. Мазкур хулосалар глобаллашув таъсирида юзага келаётган муаммоларни ҳал этишда замонавий маданий-гуманитар интеграциявий жараёнларнинг ўзига хос хусусиятларини англашни чуқурлаштириш ва кенгайтириш имконини беради.

Марказий Осиё давлатларида ташқи сиёсий идентификациянинг шаклланишида маънавий-тарихий мерос ҳамда миллий ва умуминсоний қадриятлар тизими таҳлилидан ўқув қўлланмалар, дарсликлар ва монографиялар яратишда ҳамда ижтимоий-гуманитар, шу жумладан, тарих, маънавият асослари, диншунослик ва бошқа фанларни ўқитиш жараёнида фойдаланилган.

**Тадқиқот натижаларининг ишончлилиги** кенг қўламдаги фактологик ва норматив-ҳуқуқий ҳужжатларнинг, Ўзбекистон Миллий архиви материалларининг, Марказий Осиё мамлакатлари вазирликлари ва идоралари статистик маълумотларининг қиёсий-танқидий таҳлил нуқтаи назаридан ўрганилганлиги; диссертация иши тарих ва ижтимоий фанларнинг умумэътироф этилган усуллари асосида амалга оширилганлиги, аниқланган янги маълумотларнинг жорий этилганлиги, уларга асосланган ҳолда мақолалар, китоблар ва ўқув адабиётлари шаклида республикада ва хорижда апробациядан ўтган тегишли хулосалар ва тавсиялар ишлаб чиқилганлиги билан асосланади. Хулоса, таклиф ва тавсиялар апробациядан ўтказилиб, уларнинг натижалари Республика ва хорижий етакчи нашрларда эълон қилинган. Олинган натижалар ваколатли органлар томонидан тасдиқланган.

**Тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти.** Тадқиқот натижаларининг илмий аҳамияти ундаги илмий-назарий хулосалар, таклиф ва тавсиялар, ишлаб чиқилган илмий-назарий ҳолатлардан келгусида мазкур йўналишда амалга ошириладиган тадқиқотларнинг методологиясини такомиллаштиришда, тарих, халқаро муносабатлар каби фанларнинг илмий-назарий жиҳатларини бойитишда қўлланилиши мумкин.

Диссертация иши асосида олинган натижаларнинг амалий аҳамияти тарихий билимларни ривожлантириш, Марказий Осиёнинг бой тарихий-маданий меросини тарғиб этиш, Ўзбекистон тараққиётининг янги босқичида миллий ғояни ривожлантириш концепциясини амалга ошириш, минтақавий ва халқаро туризмни ривожлантиришга қаратилган давлат дастурларини бажаришга йўналтириш, шунингдек, минтақа ва Ўзбекистон тарихи, маънавият асослари сингари фанларни ўқитишда ўқув жараёнига татбиқ этилиши билан ифодланади.

**Диссертация тадқиқот натижаларининг жорий қилиниши.** Марказий Осиё давлатларида ташқи сиёсий идентификациянинг шаклланишида миллий ўзликни англаш ва маънавий-тарихий меросни тарихий контекстда тадқиқ этиш жараёнида олинган илмий натижалар асосида:

Ўзбекистонда мустақилликнинг қўлга киритилиши арафасидаги маънавий жараёнлар, тарихий-маданий мерос, жамиятнинг турли соҳаларидаги ислохотларнинг устувор йўналишлари, шунингдек, мураккаб халқаро жараёнлар шароитида Ўзбекистон Республикаси ташқи сиёсати ва халқаро алоқалари йўлга

қўйилишида миллий индентификация масалалари таҳлили ФА-Ф8-042-сонли “Ўзбекистоннинг мустақилликка эришиш тарихи (1985-1991 йй.)” (2007-2011 йй.) номли фундаментал лойиҳада фойдаланилган (Ўзбекистон Республикаси Фанлар академиясининг 2019 йил 30 апрелдаги №3/1255-1305-сонли далолатномаси).

Илмий натижаларнинг қўлланилиши Ўзбекистон Республикаси давлат мустақиллигининг қўлга киритилиши ва ташқи алоқаларининг йўлга қўйилиши, Марказий Осиё минтақасидаги маданий-гуманитар муносабатлар, минтақа мамлакатларида тарихий-маданий мероснинг ташқи сиёсий фаолиятдаги ўрни масалаларини ўрганиш ва таҳлил қилиш имконини берган.

Ўзбекистонда илм-фан ва инновациялар, миллий ўзликни англаш, тарихий-маданий мерос омили, шунингдек, мустақиллик йилларида мазкур соҳаларда амалга оширилган ислохотларнинг минтақавий маданий-гуманитар ҳамкорлик ва ташқи сиёсий идентификация жараёнларидаги ўрни масалалари олий таълим муассасалари учун мўлжаллаб, диссертант иштирокида тайёрланган «Новейшая история Узбекистана» (2018 й.) дарслигида ўз аксини топган (№603-127, 24.08.2017).

Илмий натижаларнинг жорий этилиши Ўзбекистонда фан, таълим, спорт, ёшлар сиёсати соҳасидаги ўзгаришлар, минтақавий гуманитар ҳамкорлик масалалари ҳамда ушбу жараёнларда республиканинг тутган ўрни, ташаббуслари, шунингдек, Марказий Осиё давлатларининг ташқи сиёсатида маънавий-тарихий мерос омили масалаларни ўрганиш ва таҳлил қилиш имконини берган.

Маънавият ва тарихий-маданий мерос тадқиқотларининг назарий аспекти, Марказий Осиё мамлакатларида маданий ҳаёт трансформацияси, минтақада маданият соҳасидаги халқаро муносабатлар Германия Федератив Республикасининг Конрад Аденауэр фонди томонидан молиялаштирилган ЎЗР ФА Тарих институти ва Россия Фанлар академияси Шарқшунослик институти ҳамкорлигида амалга оширилган ФТК-03-2014.11.03 – “Энг янги тарих – умумжаҳон тарихий жараёнларининг бир қисми сифатида” номли халқаро лойиҳада фойдаланилган (Ўзбекистон Республикаси Фанлар академиясининг 2019 йил 30 апрелдаги №3/1255-1305-сонли далолатномаси).

Халқаро лойиҳада жорий этилган фанлараро ёндашувлар асосида билдирилган таҳлилий фикрлар маданият соҳасидаги тадқиқотларнинг назарий-методологик жиҳатлари, Марказий Осиё мамлакатлари маданияти тарихи, замонавий ҳолати, муаммолари, истиқболлари ва унинг ташқи сиёсий муносабатлардаги ўрни масалаларини минтақавий аспектда ўрганиш ва таҳлил қилишга ёрдам берган ҳамда тадқиқот натижалари асосида “Новейшая история Центральной Азии: проблемы теории и методологии” (Москва, ИВ РАН, 2018, 302 с.) халқаро монографияси нашр этилган.

Марказий Осиё мамлакатлари хусусан, Ўзбекистон Республикасининг замонавий ташқи сиёсати ва халқаро маданий-гуманитар алоқаларининг устувор йўналишлари ва асосий тенденциялари ЎЗР ФА Тарих институтида бажарилган ФА-Ф8-042 “Ўзбекистон мустақиллигининг қўлга киритилиши (1985-1991 йй.)”

фундаментал ва И1-ФА-014334 “Ўзбекистоннинг энг янги тарихи очерклари” инновацион лойиҳаларини амалга оширишда фойдаланилган (Ўзбекистон Республикаси Фанлар академиясининг 2019 йил 30 апрелдаги №3/1255-1305-сонли далолатномаси).

Илмий натижаларнинг қўлланилиши Ўзбекистон Республикаси ташқи сиёсий фаолиятининг шаклланиши, Марказий Осиё мамлакатлари билан ўзаро маданий-гуманитар муносабатлар, минтақада йирик акторларнинг ўрни масалаларини таҳлил қилиш ҳамда минтақа мамлакатларининг ташқи сиёсатини ўзаро қиёсий тадқиқ этиш имконини берган. Шунингдек, тадқиқот натижасида олинган асосий натижалар “Insights and Commentaries: South and Central Asia” (Kolkata, India. 2016, 396 p) халқаро жамоавий монографияни тайёрлашда фойдаланилган.

**Тадқиқот натижаларининг апробацияси.** Тадқиқот натижалари 25 та илмий конференцияда, жумладан, Россия, (Москва, Саратов, Екатеринбург, Краснодар, Челябинск), Ҳиндистон (Дехли), Қозоғистон (Қарағанда, Олма-ота), Латвия (Рига), Бошқирдистон (Уфа), Украина (Харьков, Николаев), Чехия (Прага)даги халқаро илмий-амалий анжуманларда апробациядан ўтган.

Шунингдек, диссертация ишининг асосий натижалари Жаҳон иқтисодиёти ва дипломатия университетининг «Халқаро муносабатлар», «Халқаро ҳуқуқ», «Халқаро иқтисодий муносабатлар» факультетларида бакалаврият ихтисосликлари учун “Диншунослик”, “Социология”, “Ўзбекистон тарихи”, “Маънавият асослари”, “Демократик жамият қуриш назарияси ва амалиёти” сингари фанларни ўқитишда, 2009 йилда Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси ҳамда Халқ депутатлари вилоят, шаҳар ва туман кенгашларига сайловларга тайёргарлик кўриш жараёнида фойдаланилган.

**Тадқиқот натижаларининг эълон қилиниши.** Диссертация мавзуси бўйича жами 76 та илмий иш чоп этилган, жумладан, 1 та дарслик (ҳаммуаллифликда), 3 та ўқув қўлланма, 8 та монография, улардан 6 таси ҳаммуаллифликда ва 2 та монография хорижда (ҳаммуаллифликда), 13 та илмий мақола, хусусан, республика ва 7 таси хорижий илмий журналларда, 6 таси республика ва 2 таси хорижий илмий тўпламларда, 28 та мақола ва тезис республика ва 8 таси хорижий илмий-амалий конференция тўпламларида нашр қилинган.

**Диссертациянинг тузилиши ва ҳажми.** Диссертация кириш, тўрт боб, ўн параграф, хулоса, фойдаланилган адабиётлар рўйхатидан иборат. Диссертациянинг умумий ҳажми 261 бетни ташкил этади.

## ДИССЕРТАЦИЯНИНГ АСОСИЙ МАЗМУНИ

Диссертациянинг **кириш** қисмида тадқиқот мавзусининг долзарблиги ва ва зарурияти асосланган, тадқиқотнинг республика фан ва технологияларни ривожлантиришнинг устувор йўналишлари билан ўзаро алоқадорлиги кўрсатилган, тадқиқ этилаётган муаммонинг ўрганилганлик даражаси, диссертация мавзусининг диссертация бажарилган олий таълим муассасасининг илмий-тадқиқот ишлари билан боғлиқлиги аниқланган, тадқиқотнинг мақсади ва

вазифалари, объекти ва предмети, илмий тадқиқот усуллари кўрсатиб ўтилган, тадқиқотнинг илмий янгилиги, олинган тадқиқот натижаларининг ишончилиги, тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти, уларнинг жорий этилиши, тадқиқот натижаларининг апробацияси, нашр қилинган ишларга доир маълумотлар, диссертациянинг тузилиши ва ҳажми тавсифланган.

**«Тарихий-маданий меросни тадқиқ этишнинг назарий-методологик жиҳатлари»** деб номланган биринчи бобда тарихий-маданий мероснинг назарий асослари, тушунчаларнинг моҳияти, уларнинг жамият ривожига таъсири умуминсоний кадриятлар призмаси орқали кўриб чиқилган. Замоनावий шароитларда миллий ўзликни англаш ва маънавий тикланишнинг ҳолати, мазкур категорияларнинг нафақат жаҳонда рўй бераётган жараёнларни ижтимоий-фалсафий таҳлил қилиш, балки ижтимоий-иқтисодий, ижтимоий-сиёсий ва тарихий-маданий жиҳатдан мушоҳада этишдаги аҳамияти тобора ортиб бораётганлиги таҳлил этилган. Шу муносабат билан, маънавий камолот ва миллий ўзликни англашнинг асосий концепцияларини халқаро сиёсий континуумда умуминсоний кадриятлар тизими орқали кўриб чиқиш зарурати юзага келади.

Тадқиқотни амалга ошириш даврида XX асрда пайдо бўлган, маданият ва дин, менталлик ва миллий ўзликни англаш, миллий идентификация, турли-туман маданий жамият, цивилизация даврлари ва бошқалар билан боғлиқ масалалар бўйича шуғулланувчи олимларнинг диққат марказида қолаётган концепциялар асос қилиб олинди. Ажратилган концепциялар икки гуруҳга бўлинади: биринчи гуруҳга XX асрнинг биринчи ярмида фаолият юритган муаллифлар А.Тойнби («Маҳаллий цивилизацияларнинг узлуксиз алмашинуви»), Ф.Ницше («Зардушт таваллоси») томонидан илгари сурилган концепциялар кирди; иккинчи гуруҳга XX асрнинг иккинчи ярмида фаолият юритган С.М.Ҳотамий («Цивилизациялар мулоқоти: бир-бировни ўзаро тушуниш сари йўл»), Ф.Фукуяма («Тарих интиҳоси ва охири инсон»), С.Хантингтон («Цивилизациялар тўқнашуви» ва «Бўлғуси можаронинг модели») сингари олимлар томонидан илгари сурилган концепцияларни ташкил этади.

Мазкур концепциялар СССР парчалангандан кейинги ўтиш даврида амалий аҳамият касб этди. Мустақилликка эришишнинг дастлабки даврида ўз умрини ўтаб бўлган мафкуранинг емирилиши содир бўлиб, бу вақтда Ғарбга хос турмуш тарздан кўр-кўрона нусха кўчириш хавфи кузатилган бўлса, орадан йигирма йил ўтиб, Марказий Осиё давлатларининг ҳар бирида жамиятни ривожлантиришнинг ўз модели пайдо бўлди ва бугунги кунда амал қилмоқда.

Марказий Осиё республикалари Совет Иттифоқи парчалангандан кейин юзага келган жиддий муаммоларни муваффақиятли енгиб ўтмоқдалар. Улар миллий ўзликни англашни қайта тиклашга ва давлат тузилмасини қайта қуришга муваффақ бўлдилар<sup>4</sup>. Марказий Осиё жаҳон сиёсий, иқтисодий ва маданий континуумига қира олган минтақага айланди. Ижтимоий ҳаётни янгилашнинг

---

<sup>4</sup> Доклад о человеческом развитии в Центральной Азии. В будущее без барьеров: Региональное сотрудничество в области человеческого развития: Региональное бюро ПРООН по странам Европы и Содружества Независимых Государств. – Ташкент: 2005. – С.20.

ўтиш даврида миллий ўзини ўзи англаш ва маънавий маданиятга бўлган қизиқишнинг ортишига шак-шубҳа йўқ.

Миллий ўзликни англашда миллийлик ва умуминсонийликнинг ўзаро нисбати таҳлил этилган. Бир халқнинг энг муҳим маънавий қадриятлари бутун инсоният мулкига айланиши мумкин бўлган, байналмилал аҳамият касб этади. Бирок, муайян бир жамиятлар, мамлакатлар, ижтимоий гуруҳларда маънавият аниқ бир миллий шаклда амал қилади. Миллийлик ва байналмилаллик диалектикаси уларнинг бир-бирини бойитишида, ўзаро таъсирида ифодаланади, шунингдек, мазкур жараён узлуксиз ва қонунийдир<sup>5</sup>.

Марказий Осиё республикалари миллий давлатчиликни тараққий эттиришнинг маълум бир тарихий тажрибасига эга бўлиб, ундан мустақилликка эришилгандан кейинги даврда унумли фойдаланилди<sup>6</sup>. Марказий Осиё республикаларида маънавий қадриятларнинг тикланишида сўнгги 25 йил мобайнида туб ўзгаришлар содир бўлди. Мисол тариқасида, 1999 йили Қозоғистон Президенти Н.А.Назарбаев «барча учун тенг ҳуқуқ ва имкониятларга эга бўлган полиэтник давлат барпо этамиз...»<sup>7</sup>, деб таъкидлаб ўтди. Қирғизистон тажрибаси этнослараро, конфессиявий ва этнолингвистик бирликка интилиш билан тавсифланади. Тожикистонда Президент Э.Раҳмоннинг фикрига кўра, фуқароларнинг маданий ҳаётда ва ижодий фаолиятда эркин иштирок этишлари, уларнинг маданий ва маънавий бойликларга бўлган ҳуқуқларини таъминлаш учун барча зарур шароитлар яратилган<sup>8</sup>. Туркменистонда С.Ниязов мамлакатни идора қилган даврда туркман миллатчилиги ва Президент шахсига сиғиниш расм бўлди. Туркман давлатчилигининг ривожланиши ва жаҳон тарихий жараёнидаги ўрнини ўрганишнинг янги концепциялари илгари сурилди. Туркманларнинг турмуш тарзи «Рухнома» китоби асосига қурилди ҳамда у жамиятнинг ҳаётий йўл-йўриғини белгилаб берувчи ўзига хос кодексга айланди.

Ўзбекистонда умуминсоний қадриятларни қарор топтириш, ишонч, дўстлик, биродарлик, бирликни мустаҳкамлаш, асрлар давомида шаклланган тарихий-маданий анъаналар, урф-одат ва удумларни давом эттириш ва ривожлантириш мақсадида тарихни ўрганиш, жамиятнинг маънавий соҳасини тиклашга доир кенг кўламли ишлар йўлга қўйилди. Буларнинг барчаси миллий индентификациянинг шаклланишига, миллатлараро тотувликнинг ўрнатилишига, миллийлик ва умуминсонийликнинг уйғунлигини мустаҳкамлашга хизмат қилди.

Марказий Осиё республикаларида миллий ва умуминсоний манфаатлар ижтимоий тараққиётнинг маҳсули сифатида давлатлараро муносабатларда доимо мавжуд бўлган. Марказий Осиё республикаларида замонавий жамиятнинг трансформацияси шароитида кечаётган этномаданий жараёнлар тобора жўшқинлик касб этмоқда.

<sup>5</sup> Чижов П.Г. Интернациональное и национальное в духовности человека и общества. /Под общ. ред. И.И. Ивановой. – Бишкек, 2004. – С. 312.

<sup>6</sup> ЎМА, Ф- М 17, 1-рўйхат, 13-йиғма жилд, 1-варақ.

<sup>7</sup> Назарбаев Н.А. В потоке истории. – Алматы: Атамура, 1999. – С. 4-5.

<sup>8</sup> Раҳмон Э. Наши свободы имеют свои пределы: Доклад по случаю 15-й годовщины принятия Конституции Таджикистана. <http://www.centrasia.ru/news2.php?st=1257425040>

Марказий Осиёда тарихан туркий, форсий, юнон, буддавий, зардуштий, исломий, славян ва бошқа кўплаб маданиятлар маҳсули мужассамлашган. Бирок, биз учун цивилизацияларнинг шаклланиш модели у қадар муҳим ва аҳамиятли эмас, улардаги бошқа нарса: барча даврларда қатламланган анъаналар хилма-хиллиги муҳим. Тадқиқот жараёнида Марказий Осиё мамлакатлари – Қозоғистон, Қирғизистон, Тожикистон, Туркменистон ва Ўзбекистон ҳаётининг сиёсий ва ижтимоий муҳитига сезиларли таъсир кўрсатувчи омиллар мавжудлиги, жумладан, конфессиялараро ва маънавий-тарихий омиллар, айниқса, ўзига хос аҳамият касб этганлиги аниқланди.

**«Ўзбекистон ва Қозоғистонда ташқи сиёсий идентификациясининг шаклланишида тарихий-маданий мероснинг роли»** деб номланувчи иккинчи бобда минтақа мамлакатларидаги ижтимоий-сиёсий ва маънавий ўзгаришлар, мазкур жараёнларнинг халқаро муносабатлар ривожига таъсири тадқиқ этилган.

Ўзбекистонда тарихий-маданий мероснинг тикланиши ва унинг ижтимоий муҳитга таъсири батафсил кўриб чиқилган. Мустақилликнинг қўлга киритилиши, кадриятларнинг қайта тикланишига олиб келиб, мамлакат тараққиётининг бутун тарихий йўналишини тубдан ўзгартирганлиги алоҳида қайд этилган. Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев таъкидлаганидек, олдимизда турган энг муҳим ва долзарб вазифамиз – юксак маънавиятли, мустақил фикрлайдиган, замонавий билим ва касб-хунарларни пухта эгаллаган ёшларни тарбиялаш, уларда миллий ва умуминсоний кадриятларга ҳурмат ҳиссини юксалтириш, фарзандларимизнинг қалби ва онгида мафкуравий иммунитетни шакллантиришдан иборат<sup>9</sup>.

Ўзбекистоннинг маънавий тараққиёт концепцияси ўзида жамиятнинг оила, мактаб, таълим муассасаси, жамоатчилик ташкилотлари, диний бирлашмалар, давлат ва нодавлат таълим муассасалари, маданият ва спорт, ОАВ сингари ва бошқа устувор институтлари билан ўзаро ҳамкорлигининг меъёрий кадриятлари асосини ифода этади. Ушбу ўзаро ҳамкорликнинг мақсади – аҳолининг маънавий ривожланиши шароитларини таъминлашдан, ўз миллийлиги, менталитетини, анъана ва урф-одатларини сақлаб қолишдан иборат. Маънавий тараққиёт мамлакат ички ва ташқи сиёсатининг энг муҳим бўғини бўлиб қолаверади, бу эса, жамиятнинг барқарорлиги ва уйғун ривожланишини англатади. Шу билан бирга, инсон ва унинг руҳий ҳолати, ҳаётининг сифати билан чамбарчас боғлиқ замонавий инновацион иқтисодиётни барпо этиш заруратининг мавжудлигини асослайди. Жамиятнинг ривожланиши даражаси кўпроқ маънавий кадриятларга, уларнинг жамият ҳаётидаги ўрнига боғлиқ.

Ушбу тадқиқотда маданий идентификация жараёнлари «Қозоғистон халқлари ассамблеяси»да жамиятнинг жипслашуви механизми сифатида тавсифланади. Суверенитет эйфорияси босқичи орқали ва ундан кейинги давр орқали ўтиб, ниҳоят олға ҳаракатланишдаги асосий муаммо – бу миллий табиатнинг ўзига хослиги эканлигини англай бошлаган Қозоғистон жамиятининг маданий сиёсати таҳлил этилди. Бир томондан, ўзининг мавжудлигига барҳам

---

<sup>9</sup> Ўзбекистон Республикаси Президентлигига номзод Шавкат Миромонович Мирзиёевнинг сайловолди дастури // <https://mfa.uz/uz/press/elections2016/2016/11/9255/>



берган СССР фуқаролари сифатида индивидларнинг ўзига хослиги инқирози кузатилди; бошқа томондан, Қозоғистоннинг мустақилликни қўлга киритиши, мамлакатнинг бозор иқтисодиётига ўта бошлаши билан боғлиқ масалалар пайдо бўлди.

Дастлабки босқичда Қозоғистон раҳбарияти янги умумдавлат ғоясининг асосий тамойилларини шакллантиришга уриниб кўрди, у маънавий инқирозни бартараф этиши ва жамият жипслашувининг муҳим механизмига айланиши лозим эди<sup>10</sup>. Қозоқ жамиятининг тарихий далилларидан бири сифатида уруғ-қабилавий мансубликни эътиборга олиш қабул қилинган, яъни учта қозоқ жузлари – катта жуз, ўрта жуз ва кичик жуз – замонавий қозоқ халқининг ўзагини ташкил этади.

Маданий сиёсат мамлакатда давлат сиёсатининг ажралмас қисмига айланди. Қозоғистонда амалга оширилаётган маънавий тикланиш Концепцияси кенг қўламли ҳуқуқий базага эга бўлиб, у янада такомиллашишда давом этмоқда<sup>11</sup>.

Тадқиқот давомида Ўзбекистон ва Қозоғистон тарихий-маданий меросининг евроосиёча серқатламлик, туркий умумийлик, Ислом, тарих, ўзига хос геосиёсий вазият сингари унсурлари аниқланди. Улар Ўзбекистон ва Қозоғистоннинг ташқи сиёсий идентификациясининг шаклланишига, хорижий мамлакатлар ва халқаро институтлар билан давлатлараро муносабатларнинг икки ва кўп томонлама форматлари ривожига бевосита таъсир кўрсатади.

**«Қирғизистон, Туркманистон ва Тожикистонда идентификация омиллари»** деб номланувчи учинчи бобда Марказий Осиё республикаларида амалга оширилаётган маънавий соҳани эркинлаштиришнинг ҳолати таҳлил этилган.

Хусусан, Қирғизистон Республикасида юзага келган мураккаб вазият ва мамлакат томонидан маънавий соҳада амалга оширилаётган сиёсат таҳлилий кўриб чиқилган. Қирғиз этноси кўпмиллатли Қирғизистон халқини бирлаштириб турувчи ўзакка айланди. Мамлакатнинг давлат маданий сиёсати миллий давлатчиликни тараққий эттириш ва мустақамлашга, давлат суверенитети ва халқнинг бирлигини сақлашга қаратилган. Бироқ, худди МДХнинг бошқа

---

<sup>10</sup> Касымбеков М.Б., Пралиев С.Ж., Жампеисова К.К. и др. Мэнгілік Ел: Учебник. – Алматы: Ұлағат, 2015. – С. 20.

<sup>11</sup> Закон «О государственной независимости Республики Казахстан» (16 декабря 1991 г.); Конституция Республики Казахстан; Закон Республики Казахстан «О культуре» (24 декабря 1996 г.); «Концепция формирования государственной идентичности Республики Казахстан» (23 мая 1996 г.); Послание Президента Н.А. Назарбаева «Стратегия Казахстан-2030» (10 октября 1997 г.); Закон Республики Казахстан «Об охране и использовании объектов историко-культурного наследия»; Закон Республики Казахстан «О туристской деятельности в Республике Казахстан» (13 июня 2001 г.); Закон Республики Казахстан о культуре (в редакции 15 декабря 2006 г. №207-III ЗРК), Послание Президента Н.А. Назарбаева народу Казахстана «Стратегия «Казахстан-2050»: новый политический курс состоявшегося государства», Послание Президента Н.А. Назарбаева «Казахстанский путь – 2050: единая цель, единые интересы, единое будущее» (17.01.2014 г.); Общенациональная концепция социального развития Республики Казахстан до 2030 года и Общенациональный план социальной модернизации Казахстана на период до 2016 года; Концепция по вхождению Казахстана в число 30 самых развитых государств мира и план мероприятий по её реализации; Концепция развития туристской отрасли Республики Казахстан до 2020 года; Концепция государственной молодежной политики до 2020 года; Государственная программа «Информационный Казахстан – 2020»; стратегические планы центральных и местных исполнительных органов.

мамлакатларида бўлгани сингари, суверен ривожланиш даври Қирғизистонда миллий идентликнинг инқирози билан бир пайтга тўғри келди ҳамда у турли шаклларда – фуқаролик, миллий ва диний тусда намоён бўлди. Ғарб мафкурачилари томонидан тақдим этилган этник идентификация шакли ундаги дастлабки қарашда кўзга ташланмайдиган, “миллий ўзини ўзи англаш” тушунчасининг ўзига хос талқинидан келиб чиқувчи майда унсурларга бойлиги билан ҳайратда қолдиради. Қирғизистонда бу нарсага, айниқса, унинг мафкуравий компонентига, нисбатан олганда, яқин даврларда эътибор қаратилди. Республикада давлатни конфессиявий тартибга солишнинг мақбул моделини яратиш мақсадида “Қирғизистон Республикасида диний соҳадаги давлат сиёсатининг 2014-2020 йилларга мўлжалланган концепцияси” ишлаб чиқилди.

Тадқиқот доирасида Қирғизистоннинг ташқи сиёсий идентификацияси шаклланишига таъсир кўрсатувчи тарихий-маданий мерос факторлари аниқланди. Жумладан, бу борада, устувор омилларга қуйидагиларни киритиш мумкин: мамлакатда маданий хилма-хиллик ва фуқаролик ўзига хослигини олға силжитиш воситаси сифатида кўп тилли таълимни жорий этиш; тарихий нуқтаи назардан миллий ғоянинг ҳамда эркин фуқаролик жамияти барпо этишнинг асоси, қирғиз халқининг ўзига хослиги намунаси сифатида «Манас» достони эътироф этилган.

Диссертант томонидан Тожикистоннинг тарихий-маданий мерос соҳасидаги сиёсати таҳлил этилган. Жумладан, Марказий Осиёнинг бошқа республикаларидан фарқли равишда, Тожикистон фуқаролик урушини (1992-1997 йй.) босиб ўтди, бу жамият ҳаётининг нафақат иқтисодий, балки ижтимоий ва маданий соҳаларида ҳам ўз аксини топди. Худди Марказий Осиёдаги бошқа халқларнинг маданияти сингари, тожиклар маданияти жуда ўзига хос бўлиб, чуқур тарихий илдизларга эга. Миллий анъаналар ва удумларни сақлаб ва кўпайтирган ҳолда, давлатнинг замонавий маданий сиёсатини барпо этиш мумкин. Шунга асосан, давлат бир қатор, шу жумладан, тарихий ёдгорликларни қайта тиклашга доир лойиҳаларнинг ташаббускорига айланди. Мамлакатда динга ва у билан боғлиқ диний жиҳатлар ва анъаналарга алоҳида ўрин ажратилмоқда.

Республикадаги маънавий ўзгаришлар амалга оширилаётган ички сиёсатда устувор йўналиш касб этади. Глобаллашув шароитида мустақил давлат ўзининг миллий ўзига хослигини акс эттирувчи миллий парадигмасининг хусусий йўлини белгилаши лозим бўлади.

Тадқиқотчи томонидан Туркменистон Республикасининг тарихий-маданий тикланиши ва идентификациясининг ўзига хос йўли кўриб чиқилган. 1995 йилнинг декабрида ёш давлат абадий бетараф давлат мақомига эришди, шу билан биргалликда, таъкидлаш лозимки, Туркменистон бу ишни Осиёда биринчи бўлиб амалга оширди<sup>12</sup>.

---

<sup>12</sup> БМТ Бош Ассамблеясининг “Туркменистоннинг абадий бетарафлиги тўғрисида”ги махсус резолюцияси 1995 йил 12 декабрда қабул қилинган ва ташкилотнинг 185 аъзоси томонидан бир овоздан қўллаб-қувватланган.

Республикада мустақиллик эълон қилинганидан сўнг, нафақат сиёсий ва иқтисодий муаммоларни, балки туркман халқининг маънавий тикланиши билан боғлиқ масалаларни ҳам мустақил ҳал қилишга тўғри келди. Туркменистоннинг биринчи Президенти С.Ниязов (Туркманбоши), Туркменистон халқларининг маънавий тикланиши сиёсатини, уни давлат ва жамият қурилишининг биринчи навбатдаги вазифаси даражасига кўтарди ҳамда амалга оширди. Мамлакатнинг ижтимоий ҳаёти давлат томонидан тартибга солинишидек асосланувчи қонданнинг мавжудлиги, туркман халқининг маънавий тикланиши республика ички сиёсатининг устувор йўналиши эканлигидан далолат беради. Шунинг баробарида, иқтисодиёт ва сиёсат ижтимоий юксалиб боровчи жамият барпо этиш воситаси сифатида намоён бўладики, унда маънавий тарбия ўзининг табиий ҳаётини амалиётига эга бўлиши лозим<sup>13</sup>. Ушбу концепцияни амалга ошириш учун С.Ниязов ўзининг «Рухнома» асарида баён этган маънавий дастурни илгари сурди.

Туркменистонда амалга оширилаётган сиёсат янги Президент Г.Бердимухамедов томонидан олдинги раҳбар С.Ниязовнинг «Рухнома» асари ўрнига ўзининг «Донишмандлик манбалари» китобига алмаштирилди; интернет-кафелар очилди; йил ойларини ҳозирги дунёвий тақвим бўйича номланишига қайтилди; янгиланган давлат мадҳиясининг қабул қилиниши каби бошқа янгиликлар киритилди.

Юқорида баён этилганларни умумлаштирган ҳолда, Қирғизистон, Тожикистон ва Туркменистоннинг ташқи сиёсий идентификацияси шаклланишига тарихий-маданий мероснинг таъсирини акс эттирувчи унсурларни ажратиш мумкин. Миллий тарих, миллий анъана ва урф-одатлар, симбиотик маданият, диний қадриятларни устувор унсурларга киритиш мумкин.

**«Тарихий-маданий мерос омиллари ва уларнинг жамиятга таъсири»** деб номланган тўртинчи бобда тарихий-маданий мероснинг ОАВ ва халқаро туризмни ривожлантириш орқали таъсир этиши омили кўриб чиқилган. Инновацион коммуникациялар замонавий жамиятнинг, мамлакатда содир бўлаётган энг муҳим воқеа ва ҳодисаларнинг идрок этилишини шакллантирувчи ҳамда уларнинг талқинини берувчи энг муҳим институтларидан бирига айланди. Ахборот жамияти инсоният тараққиётидаги янги поғонага айландики, унда ахборот маҳсулотлари ва хизматлари ишлаб чиқариш ва истеъмолнинг ҳукмрон объектга айланди.

ОАВнинг янги функциялари ҳаётини фаолиятнинг барча соҳаларини ва энг муҳими, инсон онгини тубдан ўзгартириб юбормоқда. Қадриятларни ифода этган мезонлар шахс ички салоҳиятининг такомиллашувига, ўз билимларини ижодий қўллай олиш, зарурат туғилганда ва жамият талабларига кўра чакқонлик билан янги ихтисосликни эгаллай олиш қобилияти ҳамда имкониятига мўлжалланган.

---

<sup>13</sup> Айдогдыев О. Культурное наследие и практика культурного строительства в современном Туркменистане // Сб. материалов Международной научной конференции «Культурное наследие Туркменистана». – Ашгабат–Санкт-Петербург: Европейский дом, 2000. – С. 19.

Маънавий тикланиш ва унинг замонавий инсон қадриятларига, унинг истеъмолчилик талабларига таъсирини ОАВнинг таъсирини инобатга олмасдан туриб таҳлил қилишнинг иложи йўқ.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев таъкидлаганидек, ахборот-коммуникация технологиялари соҳаси қанчалик ривож топгани сари, унинг афзаллиги ва қулайликларидан фойдаланиш билан бир қаторда, бутун мамлакатимизда ахборот хавфсизлигини таъминлаш энг долзарб масалага айланиб бормоқда<sup>14</sup>.

Марказий Осиёда ОАВ маданий инфратузилманинг ижтимоий функциясини оширишга сезиларли ҳисса қўшади, улар нафақат ахборот-таништирув вазифаларини бажаради, балки, *биринчидан*, жамоатчилик фикрини шакллантиришда; *иккинчидан*, ёшлар маънавияти, сиёсий ва ҳуқуқий маданиятни тарбиялашда; *учинчидан*, бадиий асарларни яратишда, эстетик дидни такомиллаштиришда ва ахлоқий меъёрларни мустаҳкамлашда; *тўртинчидан*, маънавий эҳтиёжларни қондиришда; *бешинчидан*, маънавий меросни тарғиб этишда; *олтинчидан*, умуминсоний қадриятлар ва жаҳон маданияти стандартлари ва бошқалар билан таништиришда бевосита иштирок этади. Бу эса, ОАВ маънавий-маданий соҳада миллий сиёсатни амалга оширишнинг самарали воситасига айланганлигидан далолат беради.

Марказий Осиёда туризм тармоғини ривожлантириш зарурати давлат ички ва ташқи сиёсатининг муҳим омили ҳисобланади. Ўзбекистонда туризм ривожига янги босқич мустақилликка эришилгандан сўнг бошланди ва республика иқтисодиётида муҳим ўрин эгаллади<sup>15</sup>. 2017-2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегиясига мувофиқ, хорижликларнинг Ўзбекистонга ташрифи намунали ўтиши учун хавфсиз туризмни таъминлаш концепцияси қабул қилинди. Бундан ташқари, 2018 йилдан бошлаб Ўзбекистонда 39 та мамлакат фуқаролари учун сайёҳлик визаларини расмийлаштириш тартиби соддалаштирилди; 2018 йилнинг 1 майидан бошлаб, Ўзбекистонда чет элликларга 72 соатга мўлжалланган вақт учун қисқа муддатли визалар тақдим этиш йўлга қўйилди. Бунинг натижасида, 2018 йилда Ўзбекистон гастронимик сайёҳлик бўйича етакчи мамлакатлар рейтингига МДХ давлатлари бешлигига кирди. 2019 йилда Ўзбекистонга 6 млн.дан ортиқ сайёҳларнинг ташриф буюрганлиги мамлакатга бўлган қизиқишнинг тобора ортиб бораётганлигини кўрсатади.

